



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 23 » iyul

№ 453

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида

Хоразм вилоятида сув хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини янада ошириш, сув ресурсларидан фойдаланишини тўғри режалаштириш, илм-фан ютуқларини, жумладан, вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иклим шароитларида инновацион ва ресурсларни тежайдиган суғориш технологияларини амалиётга кенг жорий қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 744-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганлиги, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини молиялаштириш манбалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 1 июлдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда – Марказ):

ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини саклаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплашни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

илмий ва раҳбар ходимлари иш ҳақини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техник дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорига ҳамда бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг иш ҳақини Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг бошқарув ва ёрдамчи ходимларининг базавий лавозим маоши миқдорига тенглаштириш;

илмий ходимлари мөннатига ҳақ тўлашни босқичма-босқич мақбуллаштирган тартибда ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтказиш тўғрисидаги таклифлариға розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Марказни сақлаш бўйича қўшимча харажатлар 2021 йилда Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини 2026 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

2021 йилда Марказни сақлаш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш ҳамда янги ташкил этилаётган илмий-тадқиқот лабораторияларига зарур бўлган асбоб-ускуналар ва замонавий лаборатория жиҳозларини харид қилиш учун Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан маблағлар ажратиш бўйича вилоят халқ депутатлари Кенгашига таклиф киритсин;

Урганч шаҳри ҳудудида бўш турган ва захирага олинган ерлардан маъмурий бино ва иншоотларни қуриш учун 0,2 гектар ер участкасини Марказга доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратсин;

Хонқа тумани ҳудудидаги Марказга тегишли бўлган жами 78,9 гектар ер участкаси, шундан 57,1 гектари экин майдони ва 11,0 гектари боғдан иборат бўлган дала-тажриба ер участкаси бино ва иншоотлари, моддий-техник базаси билан биргаликда Хонқа тумани ҳокимлигига берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг Марказга Урганч туманининг сув таъминоти қулай бўлган ҳудудидан қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-синовларни амалга ошириш учун бўш турган ва захирага олинган ерлардан 10,0 гектаргача бўлган сугориладиган ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Марказ:

сув хўжалиги ва бошқа турдош соҳалардаги маҳаллий ёш иқтидорли мутахассислар ва кадрларни ўрганиб, уларни Марказга жалб қилиш, Хоразм вилояти сув хўжалигини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини режалаштириш, 2021-2026 йилларда илм-фан ютуқларини, жумладан, вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитларида инновацион ва ресурсларни тежайдиган сугориш технологияларини амалиётга кенг жорий қилиш бўйича устувор илмий-тадқиқот ишларининг қисқа ва ўрта муддатли дастурларини ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган Марказ илмий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни 2022-2026 йиллар даврида босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш чораларини кўрсинг.

7. Қуйидагилар Марказнинг илмий-тадқиқот лабораторияларининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ирригация тизими ва сугориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини ошириш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва ҳисобини юритишида рақамли ва инновацион технологияларни жорий этиш;

кишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва тупроқ остидан сугориш технологияларини, сув танқислиги шароитида янги усуллар ва технологияларни, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ва бошқа инновацион технологияларни жорий этиш;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-дренаж тармоқларидан фойдаланиш, шўрланган ерларнинг шўрини ювиш ва сугоришида ерларни лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш ҳамда бошқа инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

сув хўжалиги ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги ошириш.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 ноябрдаги 744-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ф.Ў. Эрманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “23” июлдаги 453 сон қарорига
1-илова

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот
марказининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
хисобига молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини
2026 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Лабораториялар номи	Илмий ходимларнинг штат бирлиги сони		
		2022-2023 йиллар	2024-2025 йиллар	2026 йилдан бошлаб
1	Ирригация тизими ва ўзан жараёнлари лабораторияси	3	2	1
2	Суғориш ва сувни тежайдиган технологиялар лабораторияси	3	2	1
3	Мелиорация ва коллектор-дренаж тармоқлари лабораторияси	3	2	1
4	Сув хўжалигига рақамли ва инновацион технологиялар лабораторияси	2	1	1
5	Гидрометрия лабораторияси	2	1	1
6	Тупроқ ва сув тадқиқотлари ҳамда мелиоратив жараёнлар лабораторияси	2	1	1
Жами		15	9	6

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “23 ” июл даги 453 - сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил
25 ноябрдаги 744-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбоиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари”.

2. 7-бандда:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Марказнинг илмий ва раҳбар ходимларига Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджети маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва
инновацион ишларнинг илмий-техник дастурларини амалга оширишда
қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимлари учун
ҳамда бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига Фанлар
академияси илмий-тадқиқот институтларининг тегишли лавозимлари учун
назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари
татбиқ этилади”;

б) учинчи хатбоида:

“(илмий ходимлардан ташқари)” сўзлари чиқариб ташлансин;

“2021 йил” сўзлари “2022 йил” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Қарорга 1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Жами илмий ходимлар ва муҳандислар 19 нафар.

Ёрдамчи ходимларнинг сони

белгиланган меъёrlарга асосан белгиланади.

Илмий-тадқиқот шилярини амалга ошириш учун мұтахассислар әссоциациясының шартномасында анықталған күйдегі тапсының мүмкіншіліктерін анықтауда жаңа мүмкіншіліктердің жариялауда орын анықталған.

4. Қарорга 2-илованинг 26-банди иккинчи хатбоиси куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Марказнинг бино ва ишоотларини сақлаш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар”.

